# Ўзбекистон ССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

5) колхозларнинг ва колхозлараро ташкилотларнинг давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари билан, шунингдек ўзаро низолари бўйича берилган даъво аризаларидан — бож ушбу модданинг 1—4 бандларига мувофиқ даъво қиймати бўйича белгиланади;

6) гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказаётган давлат бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлардан — ўн сўм;

7) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — ўттиз сўм;

8) иккинчи никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — эллик сўм;

9) никоҳ бекор қилинаётганида мол-мулк тақсимланадиган ҳолларда — бож ушбу модданинг 1—4-бандларига мувофиқ даъво қиймати бўйича белгиланади;

10) бедарак йўқолган ёки руҳий касаллиги ёҳуд ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган ё бўлмаса камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан белгиланган тартибда никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — беш сўм;

11) уй-жойларни ижарага олиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш, меросни олиш муддатини узайтириш, мол-мулкни ҳибсдан озод этиш тўғрисидаги даъво аризаларидан ва мулкий характерда бўлмаган (ёки баҳолаш мумкин бўлмаган) бошқа даъво аризаларидан, шунингдек алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан аризалар (шикоятлар) бўйича ўн сўм;

12) колхозлар ва колхозлараро ташкилотларнинг давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари билан, шунингдек ўзаро шартнома олди низолари бўйича даъво аризаларидан — йигирма беш сўм;

13) судларнинг қарорлари устидан кассация аризаларидан — даъво аризаси (алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан ариза) берилганда тўланиши керак бўлган қийматнинг эллик фоизи, мол-мулк низолари бўйича эса — низо юритилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган қийматнинг эллик фоизи.

Суднинг ажрими юзасидан берилган хусусий шикоятлар учун давлат божи тўланмайди;

14) суд қарорининг, ҳукмнинг, ажримнинг ва суд чиқарган бошқа қарорнинг нусхасини такрор берганлик учун — уч сўм ва бундан ташқари тайёрланган ҳар бир бет учун олтмиш тийин».

8. 94-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмунда бўлган 13 ва 14-бандлар билан тўлдирилсин:

«13) даъвогарлар — Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф-муҳитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан ноорқилона фойдаланиш оқибатида давлатга келтирилган зиённи қоплаш учун пул ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

14) даъвогарлар — Ўзбекистон ССР Нархлар давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — нарх интизомини бузиш оқибатида кооперативлар асоссиз равишда орттирган даромадни бюджетга ундириб олиш ва тегишли жарима ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича».

9. $101^1$-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин,

«$101^1$-модда. **Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тақсимлаш**

Суд гражданнинг шикоятини қондиришни рад этиш тўғрисида қарор чиқарган тақдирда шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни граждан зиммасига ёки агар давлат бошқарув органи ёхуд мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топса, ана шу орган ёхуд мансабдор шахс зиммасига юклаши мумкин».

10. 169-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда қатнашувчи шахслар, вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар ва ишни кўриб чиқиш чоғида иштирок этаётган гражданлар суд мажлиси вақтида раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаганлик ёки тартибни бузганлик учун ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача миқдорда жарима солиш тарзида маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

11. 178-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ишда қатнашаётган шахслар ҳамда вакиллар суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товласа, бу эса ишни қараб чиқиш кейинга қолдирилишига олиб келса, бу шахслар ва вакиллар, шунингдек вакилнинг суд мажлисига келишини таъминламаганликда айбдор бўлган корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг мансабдор шахслари ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазога тортиладилар».

12. 179-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Даъвогар ёки жавобгар ёхуд даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, агар уларнинг бирортасидан ҳам ишни ўзлари йўқлигида кўриш тўғрисида ариза тушмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдириб, келмаган даъвогар ва жавобгарга ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазо қўллаши мумкин».

13. 180-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жавобгар суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, у ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазога тортилиши мумкин».

14. 181-моданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гувоҳ суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда суд унга ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазо қўллаши ва ички ишлар органлари орқали мажбурий тарзда олиб келиши мумкин».

15. $24^1$-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«$24^1$-БОБ

**Гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказаётган давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш**

$264^1$-модда. **Судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Граждан агар давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли ўзининг ҳуқуқларига путур етказилган деб ҳисоблаеа, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

$264^2$-модда. **Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ хатти-ҳаракатлари**

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ хатти-ҳаракатлари жумласига:

граждан қонунда ёки бошқа норматив ҳужжатда ўзига берилган ҳуқуқни тўла ёки қисман амалга ошириш имкониятидан қонунга хилоф равишда маҳрум этилишига;

граждан зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган коллегиал ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлар киради.

$264^3$-модда. **Мазкур бобнинг таъсир доираси**

Башарти, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг қонунларида шикоят қилишнинг ўзгача тартиби кўзда тутилган бўлса, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан ушбу бобга мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин эмас.

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг норматив характердаги ҳужжатлари устидан ушбу бобга биноан судга шикоят қилиниши мумкин эмас.

$264^4$-модда. **Шикоят бериш**

Ушбу бобга биноан давлат бошқаруви органи ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан тобелик тартибида юқори турувчи ва шикоятни кўриб чиқиши ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ойлик муддат ичида гражданга маълум қилиши шарт бўлган орган ёки мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилинганидан кейин — судга шикоят берилиши мумкин.

Шикоят судга ҳуқуқи бузилган граждан, унинг вакили, шунингдек гражданнинг илтимосига кўра — жамоат ташкилотининг, меҳнат коллективининг тегишли ваколати бўлган вакили томонидан берилиши мумкин.

Шикоят хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органи жойлашган ердаги ёки мансабдор шахснинг иш жойидаги район (шаҳар) халқ судига берилади.

Шикоят беришда белгиланган тартибда давлат божи тўланади.

$264^5$-модда. **Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари**

Граждан юқори. органдан ёки мансабдор шахсдан ўз шикояти қондирилиши ҳақида раддия олган кундан бошлаб ёки юқори органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят топширилгандан сўнг бир ой муддат ўтган кундан бошлаб ҳисобланадиган бир ойлик муддат ичида, агар шикоятчи шикоятига жавоб олмаган бўлса, судга шикоят берилиши мумкин.

Узрли сабаб билан ўтиб кетган шикоят бериш муддати ушбу Кодекс 114-моддасининг қоидаларига биноан суд томонидан тикланиши мумкин.

$264^6$-модда. **Шикоятни кўриб чиқиш**

Шикоятни суд шикоят берган граждан ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органининг раҳбари ёки мансабдор шахснинг иштирокида ўн кунлик муддат ичида кўриб чиқади.

Шикоят берган граждан иш юзасидан ўз манфаатларини ҳимоя қилишни вакилга топширишга ҳақлидир.

Шикоят берган гражданнинг ёки хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органи раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг, ёҳуд улар вакилларининг узрсиз сабабга кўра суд мажлисига келмаганликлари шикоятнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, бироқ суд шикоят берган гражданнинг ва давлат бошқарув идораси раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг келишини мажбурий деб топиши мумкин.

Судда ишни кўриб чиқиш чоғида жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг вакиллари, шунингдек тобелик тартибида юқори органларнинг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин.

Суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни қонуний деб топган тобелик тартибидаги юқори мансабдор шахсларнинг ёки органларнинг материалларини тадқиқ этиши керак, шунингдек бошқа шахсларнинг тушунтиришларини тинглаши, зарур ҳужжатлар ва бошқа далил-исботларни тадқиқ қилиши мумкин.

$264^7$-модда. **Шикоят юзасидан суд қарори**

Агар суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни ғайриқонуний, гражданнинг ҳуқуқларига путур етказадиган деб топса, у шикоятнинг асосли эканлиги ва тегишли давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахснинг йўл қўйилган ҳуқуқбузарликни бартараф этишга мажбурлиги тўғрисида қарор чиқаради.

Агар суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар қонунга биноан, давлат бошқарув идораси ёки мансабдор шахс ваколатлари доирасида содир этилган деб топса, у шикоят қондирилишини рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Йўл қўйилган қонун ёки бошқа норматив ҳужжат бузилиши ҳолларини бартараф этиш учун суднинг шикоят юзасидан қабул қилган қарори хатти-ҳаракатлари хусусида шикоят билдирилган давлат бошқарув идорасининг раҳбарига ёхуд мансабдор шахсга, ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Суднинг шикоят юзасидан чиқарган қарори ижро этилганлиги тўғрисида судга ва шикоятчига суд қарори олинган пайтдан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирмай маълум қилиниши керак. Қарор ижро этилмаган тақдирда суд ушбу Кодекснинг 436-моддасида кўзда тутилган чораларни кўради».

16. 235-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд гражданлик ишини ёки давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятни кўриб чиқиш чоғида мансабдор ёки бошқа шахснинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар беради ёки жиноий иш қўзғатади».

17. 251-модда биринчи қисмининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар бўйича ишлар».

18. 352-модданинг иккинчи қисми «путур етказаётган» деган сўзлардан кейин «давлат бошқарув органларининг ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

19. 403-моддада:

биринчи қисм қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин:

«Гражданлик ишлари, жиноий ишлар, юритилаётган маъмурий ишлар ва нотариал идоралари ижро хатларига тааллуқли қарор ва ҳукмларнинг мулкни ундириш қисмига оид, ажримлар ва ҳал қилув қарорларига оид мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш чоғида суд ижрочисига у қарздор ҳисобидан давлат бюджетига, шунингдек давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари ва ташкилотлари ҳамда гражданлар фойдасига ундириб олган маблағнинг беш фоизи миқдорида ҳақ тўланади»;

иккинчи қисм «қарздордан давлат» деган сўзлардан кейин «суд ижрочиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

VII. 1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил № 2, 3-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин.

1. 93-модда қуйидаги мазмунли тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР халқ депутатига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон ССР Прокурори томонидан, Қорақалпоғистон АССР халқ депутатига нисбатан эса Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Прокурори томонидангина қўзғатилиши мумкин. Областлар ва Тошкент шаҳар Советининг депутатига нисбатан жиноий иш тегишли областнинг, Тошкент шаҳрининг прокурори ёки юқори турувчи прокурор томонидан, район, шаҳар, қишлоқ (овул), посёлка Советининг депутатига нисбатан эса тегишли район, шаҳар прокурори ёки юқори турувчи прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин».

2. 108-модданинг учинчи қисми «$147^1$» рақамларидан кейин «$147^2$» рақамлари билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

# ОМБОР ТЎЛСА ҒАЛЛАГА, КЎНГИЛ ЖЎШАР ЯЛЛАГА

## ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Яккабоғ районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигида ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тармоқда ҳосилдорликни ошириш, дон хирмонини юксалтириш имконини бераяпти.

— Ризқ-рўзимиз ҳисобланган нон ширин ва мўл бўлиши даставвал ғаллакор меҳнатига боғлиқ, — дейди бош агроном Х. Юсупов. — Агар омборда ғалланг мўл бўлса кўнглинг хотиржам бўлади. Шу боисдан деҳқонларимиз ушбу муҳим соҳани мўл-кўлчилик ва даромад манбаига айлантириш пайидан бўлмоқдалар. Бултур яхши натижалар қўлга киритилди. Худоёр Эргашев бошлиқ дончилик бригадаси аъзолари 241 гектар лалмикор ва суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан хирмон кўтаришганди. Бу йилги мақсад ҳам шундай.

Хўжаликда 397 гектар ерга арпа ва буғдой уруғи сепилганди. Бу экинларни Эгамберди Очилов, Холиқул Холбоев, Шавкат Муҳаммадиев каби ўртоқлар бошлиқ пудратчи онлавий звенолар ўз вақтида парвариш қилдилар. Ғаллакорлар бу йил режадаги 715 тонна ўрнига 1900 тонна дон тайёрлашни мўлжаллашган. Айни кунларда ўрим-йиғим қизғин олиб борилмоқда. Қаюм Муродов, Оқмирза Умрзоқов, Бурхон Хуррамов, Бахтиёр Сафоев каби комбайнчилар мавсумда ғайрат кўрсатаяптилар. Уларга ҳамма шароит яратилган. Бу ўрим-йиғимни қисқа муддатларда, нобудгарчиликсиз ўтказиш имконини бераяпти.

А. КАРИМОВ.





Жумҳуриятимиз ғаллакорлари ҳаётида долзарб мавсум — ўрим-йиғим кун сайин қизимоқда. Гагарин районидаги «Советобод» давлат хўжалиги деҳқонлари ҳам 400 гектар майдондаги буғдой ҳосилини нест-нобудгарчиликсиз, тезроқ саранжомлаб олиш пайида бўлмоқдалар. Улар 1252 тоннадан зиёд дон тайёрлашни кўзлашган. Шу кеча-кундузда учта комбайн тўхтовсиз ишлатилаяпти. Ҳосилдан бўшаган ерларга силос учун маккажўхори экилади.

**СУРАТЛАРДА:** моҳир комбайнчилар Ҳайдар Ўтанов (чапдан), Сулаймон Жўраев ва Шермат Хўжанов; ўрим пайти.

И. ХЎЖАЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

## ДОНАСИ ДУРДОНА

Кундалик турмушимизни нонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда бу азиз неъматга бўлган эҳтиёж янада ошди. Чунки бозор иқтисодиётига ўтилган, нарх-наво ошган бир пайтда жумҳуриятимизда унинг баҳоси оширилмай, аввалгиси сақланиб қолди.

Ана шундай шароитда ғаллакорнинг зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Негаки, ўрта ҳисобда 6—8 нафардан фарзанди бўлган оилалар унинг меҳнати маҳсулига кўз тикиб туришади. Хўжалик бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида биз ана шу аҳволни муҳокама қилиб, донни кўпайтириш нақадар муҳимлигини ўртоқларга атрофлича тушунтирдик. Кўкламда 15 гектар ерга шоли, 37 гектар майдонга дон учун маккажўхори экилди. Бултур кузда эса 25 гектар пайкалга буғдой уруғи сепилганди. Баҳор инжиқ келганига қарамай ундан баракали ҳосил етиштирилди. Жами 340 тонна дон тайёрлашга бел боғлаган ғаллакорларимиз далалардаги ризқ-рўзимизни сира исроф қилмай, тез ва соз саранжомлаб олиш пайида бўлмоқдалар.

Ўрим-йиғим қизғин. Нарзулла Мирзаабдуллаев, Эргаш Худойбердиев тасаррруфидаги буғдойзорларда комбайнлар шитоб билан ишлаяпти. Режа бўйича ҳар гектар ердан 32 центнердан хирмон кўтариш мўлжалланган. Ҳосилдорлик бундан кўпроқ бўлади. Моҳир комбайнчи Носиржон Қаюмов кунига 3—4 гектар майдоннинг ғалласини янчиб бермоқда. Турғунпўлат Йўлдошев, Абдували Аҳмаджонов, Абдуқаҳҳор Йигиталиев, Исроил Дўланов, Муҳаммаджон Бойхонов каби механизаторлар саранжомланган донни ва прессланган сомонни пешма-пеш белгиланган жойларга ташишмоқда.

Буғдой беда билан аралаштириб экилганди. Ўрим-йиғимни узоғи билан 8—10 кунда тугаллаб, сўнгра беда парваришини кучайтирамиз. Экинга ишлов берилиб кейин суғорилади.

Хўжалигимизда маккажўхори дони етиштиришга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Ушбу соҳани пахтачиликда узоқ йиллар ишлаб тажриба тўплаган Эргашбой Норбоевга топширганмиз. Ҳозир дала маликаси баравж, серҳосил бўлиб ўсаяпти. Механизатор Акрамжон Қўчқоров қатор ораларига сифатли ишлов бермоқда.

Маккажўхоричиликда пудрат кенг қўлланилмоқда. Тармоқ ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор кишиларга ишониб топширилмоқда. Мирзаакбар Саидаҳмедов шундай омилкорлардан бири. У 19 гектар майдондаги маккажўхоридан 67 центнер ўрнига 70 центнердан қаҳрабо дон, кўплаб чорва озуқаси етиштиришни кўзлаяпти. Бошқа бир пудратчи Баҳромжон Шералиев эса 8 гектар ердан 56 тонна макка дони олмоқчи. Шунда ҳосилдорлик гектар бошига 65 центнердан тушади.

Жумҳурият Президентининг фармони бўйича колхозчиларга 100 килограммдан дон бериш тадбирлари белгиланиб, у изчил амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар омбордаги ғалладан 25 тонна тарқатилди. Хўжалигимизда донни тегирмонда ун, шолини эса гуручга айлантириш учун имконият бор. Шу тариқа юзага келган озиқ-овқат тақчиллигини озми-кўпми бартараф этишга муваффақ бўлаяпмиз. Бугунги аҳвол одамларга ҳамма нарсага тежамкор бўлишни, айниқса ғалланинг бир донасини ҳам нобуд қилиш мумкин эмаслигини яхшироқ англатмоқда. Биз кишилар эҳтиёжини иложи борича қондириш учун бор куч-ғайратни ишга солаверамиз.

**М. ИБРОҲИМОВ,**
**Уйчи районидаги «Комсомол» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

ВЕНА. Бугун Австрия пойтахтида ЮНИДО саноат ривожланиши кенгашининг саккизинчи сессияси тугади. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур ихтисослашган ташкилоти Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини бартараф этиш ишида қатнашиши ҳақида резолюция қабул қилинди.

СССР, УССР ва БССР делегациялари тақдим этган ҳужжатда БМТ ҳамда унинг ташкилотлари ана шу технология фалокати оқибатларини ўрганиш, юмшатиш ва бартараф этиш юзасидан сарфлаётган куч-ғайратлар тўла-тўкис маъқулланади. Унда шикастланган районларда саноатни тиклашда ёрдам кўрсатиш учун амалий тадбирлар кўриш, Чернобиль муаммоси бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланади.

Сессияда авариядан сўнг ўтган беш йил ичида унинг оқибатлари хавфсизлиги пасаймаганлиги афсус билан қайд этилди. Украинада юқори радиация нурланиши шароитида 1,8 миллиондан кўпроқ киши, шу жумладан 380 минг бола ҳаёт кечирмоқда. Жумҳуриятда радиоактив нурлар билан ифлосланган экинзорларнинг умумий майдони 3,5 миллион гектарни ташкил этди.

БЕЛГРАД. ЮСФР ҳукумати бундан кейин ҳам Югославиядаги тангликни тинч йўл билан ҳал этиш, демократик муносабатлар ўрнатиш, давлат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун курашаверади. ЮСФР иттифоқ ижроия веча (ҳукумати)сининг бу ерда куни кеча бўлиб ўтган мажлисидан сўнг ТАНЮГ агентлиги тарқатган хабарда шулар маълум қилинган.

Ҳужжатда Словения ҳудудида давлат чегаралари амал қилишини таъминлаш юзасидан 25 июль куни қабул қилинган қарор уруш бошланганини билдирмайди, балки Югославия мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини ҳимоя қилишдангина иборат эди. Ҳукумат ЮСФР раёсатининг охирги мажлисида қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун барча чораларни кўради.

БМТ. Ироқнинг ядровий қурилмаларини ҳеч қандай тўсиқсиз тафтиш қилиш тўғрисидаги талабга Ироқнинг берган жавоби БМТ Хавфсизлик Кенгаши мазкур мамлакатни даъват этган ниятларга «тўла мос келмайди». БМТ махсус вакиллари делегацияси шундай қарорга келди. У бир неча кун илгари атом энергияси халқаро агентлиги (Магатэ) тафтишчиларига нисбатан у ерда рўй берган жанжал муносабати билан Ироққа бориб келган эди. Махсус вакилликнинг маълумотномаси куни кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига қўйилди. Вакиллар таркибида Ироқни қуролсизлантириш махсус халқаро комиссия раҳбари Рольф Экеус, Магатэ бош директори Ханс Бликс ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котибининг қуролсизланиш муаммолари бўйича ўринбосари Ясуси Акаси ҳам бор эди.

Қониқарсиз хулоса чиқарилганлиги муносабати билан БМТ Хавфсизлик Кенгашида шошилинч маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда.

ВАШИНГТОН. Куни кеча Оқ уй расмий вакили қуйидагиларни тасдиқлади: агар Ироқ раҳбарияти ядро қуроли яратилиши мумкин бўлган корхоналарда халқаро тафтиш ўтказилишига ҳалақит беришни давом эттирадиган бўлса, мазкур мамлакатга қарши ҳарбий ҳаракат бошлаш учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бағдодга нисбатан қабул қилган резолюцияларнинг ўзи етарлидир.

Президент матбуот котибининг ўринбосари Роман Попадьюк журналистларнинг: «маъмурият Ироққа қарши ҳарбий ҳаракат бошланиши зарур бўлган тақдирда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бунга рухсат этадиган яна битта резолюцияси қабул қилиниши зарур, деб ҳисоблайдими», деган саволга жавоб берар экан, шундай деди: «Хавфсизлик Кенгаши бутун бир туркум резолюцияларни қабул қилган, энди гап, унга Ироқнинг риоя қилишида қолди... Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, айниқса 687-резолюцияга риоя қилиш учун ҳар қандай зарур воситаларни қўллашга рухсат этадиган БМТнинг бу резолюцияларида жазо чоралари ва тафтиш этиш тартибига кўра Ироқ зиммасига юклатилган мажбуриятлар баён қилинган. Ана шунга кўра уларга риоя этилишини таъминлаш учун ҳуқуқимиз ҳамда халқаро миқёсда далил асосларимиз бор».

(ТАСС).

